



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 24 ноябр, шанба №184 (1198)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Р.Р.ШРЕДЕР НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ОЛИМ ВА МУТАХАССИСЛАРИ, БАРЧА ЖАМОА АЪЗОЛАРИГА

Кадрли дўстлар! Сизларни академик Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилганининг 100 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида қишлоқ хўжалик фанининг нуфузли марказларидан бири бўлган ушбу илмий даргоҳ олимлари бир асрлик давр мобайнида қўлга киритган ютуқлар юртимиз сарфдорларидан олимларда ҳам маълум ва машҳур.

Институт тарихи, унинг бутун фаолияти юртимизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга қаратилган амалий вазифаларни рўёбга чиқариш билан ҳамisha чамбарчас боғлиқ бўлиб келгани айниқса аҳамиятлидир.

Утган давр ичида институтнинг турли вилоятларда жойлашган муассасалари ва филиаллари томонидан 150 дан зиёд мева ва узум навлари етиштирилгани, мамлакатимизнинг тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда уларни парвариш қилишнинг замонавий технологиялари ишлаб чиқилгани бу ерда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларининг самараси ва кўлаמידан далолат беради.

Институтнинг кўпмиллатли илмий ва меҳнат жамоаси эришган улкан нати-

жаларда қишлоқ хўжалиги соҳасининг алломалари Р.Р.Шредер ва шу илм даргоҳига ярим асрдан ортқ давр мобайнида раҳбарлик қилган, халқимиз хурматига сазовор бўлган М.М.Мирзаевнинг хизматлари катта эканини жамоатчилигимиз яхши билади.

Хозирги даврда институт илмий жамоаси олдида ўтган йиллар давомида тўпланган бой тажрибалардан фойдаланган ҳолда, маҳаллий навлар асосида серҳосил, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган мевалар ва узум навларини яратишдек ўта муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди.

Ишончим комилки, сизлар ҳалол меҳнатингиз, илмий кашфиётларингиз билан мустақил Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришга, ўлкамиз боғ-роғларининг шўхратини бундан буён ҳам дунёга тараннум этишга муносиб ҳисса қўшасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, институт, унинг филиаллари ҳамда тажриба хўжалиқларининг барча меҳнат ахлини бу кутлуғ сана билан яна бир бор муборакбод этаман.

Сизларга мустақам соғлиқ, бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар, оилангизга файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



«Ўзбургунефтгаз» акционерлик компаниясига қарашли минора қуриш очик ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари Қашқадарёда улуг ишларни амалга оширишмоқда. Улар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, юқори натижага эришмоқдалар. Суратларда: тажрибали электр пайвандчи Борис Бахронов (чапда); пешкада бригада бошлиғи Алишер Шамсиев (ўнгдан биринчи) илғор ишчилар Иброҳим Равшанов ва Музаффар Қутбиддинов билан ўзаро фикрлашмоқда. Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

Конституциямиз яшамоқда, амал қилмоқда БУРЧГА САДОҚАТ – ЭЛГА САДОҚАТ

Конституциямизда инсон ҳаёти ва эркинликларини қонуний кафолатлаши билан бирга фуқароларнинг жамият олдидаги бурчлари ҳам белгилаб берилган. Бурч эса шахснинг жамиятга бўлган муносабатидан намоён бўлади. У ҳар бир фуқаронининг бажариши керак бўлган вазифасидир. Унга содиқлик фуқаронининг ватанпарварлигида, миллати ва халқига бўлган меҳр-муҳаббатидан намоён бўлади. У вазифасини бажармаган, бурчини тўғри англамаган шахс эса эл назаридан қолади. Фуқароларнинг инсонийлик бурчлари – катталарга ҳурмат, ёшларга эътибор, инсоф-диён, ростгўйлик, ҳалоллик каби ахлоқ-одоб фазилатларидан ташқари Асосий Қонуни-мизда қўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла баҳраманд бўлган ҳолда, ўз бурчларини тўла англаб сидқидилдан фаолият қўрсатмоқдалар.

Дехқонга ер берилиши, хусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши, қишлоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш натижасида халқимизнинг келажакка ишончи тобора мустаҳкамланмоқда. Эгаллик туйғуси уларни янада самарали ва тадбиркорлик билан ишлашга ундамоқда. Ҳар бир пудратчи билан имзоланган шартнома-лар ютуқлар омили бўлаётир. Унинг шартларида пудратчиларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари тўлалигича ўз аксини топанган. Меҳнатқашларнинг дам олиши, саломатлигини тиклаш, оиласи, фарзандларига меҳрибонлик қўрсатиши дастуридалама сифатида белгилаб қўйилган.

Утган йили 385 гектар галлазорни 48 та оилавий пудратчига бўлиб берган эдик. Одил Жабборов, Рашид Курбонов, Турди-хол Дўрмонова каби пудратчиларимиз гектаридан 45-50 центнердан сара дон етиштириб, режани 1,5 ҳиссадан ошириб бажардилар. Бу илғор галлакорларни «DAEWOO» телевизорлари билан мукофотлади. Шунингдек, 3 нафар пудратчига мукофот тариқасида видеомагнитофон берилди. Шартнома режасини ошириб бажарган пудратчиларга 200 тонна галла белул тарқатилиб, 400 тонна дон эса арзон нархларда иш ҳақи сифатида берилди.

Богбонларимиз ҳам йилни катта меҳнат ютуқлари билан якунладилар. 350 гектар боғдан 3300 тонна ширин-шарбат узум етиштириб, режани ортиги билан бажардилар. Умид Аҳмедов, Қўқор Қорабоев, Саидқул Тилаков каби пудратчилар ҳосилдорликни гектар бошига 150 центнерга етказдилар. 680 гектар майдонни эгаллаган «Дашнобод» азорлари ҳам яхши ҳосил берди. 1500 тонна анор етиштирган соҳибкорларимиз даромадлари ҳам салмоқли бўлди. Айниқса, Неъмат Худойқулов, Суннат Каримов каби пудратчиларимиз 800 минг сўмдан зиёд соф даромад қилдилар.

278 гектар пахта майдонида деҳқончилик қилган 12 нафар оила катта натижаларга эришдилар. Фарҳод Холиқов, Даврон Элмуродов, Баҳром Шарипов каби пудратчилар ҳосилдорликни гектар бошига 50-55 центнерданга етказдилар.

«ВАРЗОНЗЕ» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА

Бухоро қадимдан қўшма корхона билан оламга машҳур бўлган. Бугунги кунда вилоятда ўнлаб қўшма корхоналар маҳаллий ҳам ашёни қайта ишлаб, экспортлаб маҳсулот тайёрлайди.

«Варзонзе» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси 1994 йил июни ойида ташкил этилган. У жаҳон андозаларига мос эркаклар кўйлағи ва пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ўтмишда Бухоро Шарифдан Буюк Ипак йўли ўтган. Бухорхудоқлар яшаган қалъалар атрофида Варзонзе номи билан аталадиган жаҳон бозори жойлашган. Бу ердан қўнғорқларини жиринглаб, Шарқу Фарбага савдо қарвонлари йўл олган. Истиклол ша-рофати билан

лар Умид Санаев ва Зариф Қўлдошев раҳбарлик қилаётган цехларда ип қалава тайёрлайдиган, пайпоқ тўқийдиган ускуналар тўхтовсиз ишлаб турибди. Мураккаб механизмларни Олима Раҳмонова, Тоҳира Нурова, Гулчехра Икромова, Холбиби Хайитова каби ма-лакали ишчилар моҳирлик билан бошқаришмоқда.

Янги технологиянинг жорий этилганлиги ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилаётганлиги ижобий самара бермоқда. Бир йил-шаҳарда аж-додлар касби

тўқувчиликни ривожлантириш учун кенг йўл очилди.

Айни пайтда 850 киши ишлаётган қўшма корхонани қуриш ва ускуналар учун 5,7 миллион АКШ доллари миқ-дорида маблағ сарфланди. Кун чикар мамлакат – Япо-ниядан 62 та «Брозер» агре-гати ва 10 та «Иногикки» маркали тикув-тўқув маши-наси келтириб ўрнатилди.

Тоza ва озода цехларда ўз касбининг устаси ҳисоб-ланган маҳаллий йигит-қиз-лар ишламоқдалар. Улар қайта ўқитилиб, хорижий механизмларни бошқариш сирларини пухта эгаллаб олдилар.

Хозирга қадар 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, чет давлат-ларга экспорт қилиб, - дей-ди қўшма корхона директори Қиём Қўлдошев. – 210 минг донга ёки 20 миллион сўмлик пайпоқ тайёрланиб харидорларга сотилди.

«Варзонзе» маҳсулотлари харидорчилиги билан сифат-лиги билан ажралиб ту-ради. Шунинг учун Россия ва Украина давлатларидан кўплаб буюртмалар келиб турибди.

Тажрибали мутахассис-

Туманда пахта ва бош-қа экинлардан олинаёт-ган мўл ҳосил, саннат ишлаб чиқариши орта-ётганлиги қурилиш ва ободончиликнинг авж олишига имкон ярат-моқда. Қайси қишлоғи-да савдо, умумий ов-қатлашиш ва хизмат қўрсатиш касб-хунар коллежи учун янги бино қурилиб, фойдаланиш-

ЁШЛАР КУТГАН СОВФА

га топширилди. «Сар-дор» кўп тармоқли ху-сусий фирма қурувчи-лини бунёд этган ва 1 миллиард сўмлик маб-лаг сарфланган бу за-монавий иншоотда ёш-ларнинг танлаган соҳа-ларини пухта эгаллаш-лари учун ҳамма шаро-ит муҳайё.

«Соғлом авлод» Дав-лат дастурини бажариш борасидаги амалий қадамлардан саналган спорт-соғломлаштириш марказининг барпо эти-лиши ҳам учқўргонлик-лар қувончига-қувонч қўшди. Эндиликда бу ерда ёшлар спортнинг кўплаб турлари бўйича шуғулланиб, жисмонан чиникишлари учун зар-рур имкониятларга эга бўлдилар.

И. ОБИДОВ,
Учқўргон тумани.

«Узун» улгуржи чакана матлубот-савдо ҳиссадорлик жамиятидан вилоят савдо ходимлари касба уюш-ма кўмитаси раиси номига ноқонуний ишдан бўшатилганлик ҳақида ариза тушди. Унда жумладан шун-дай дейилади:

— Мен жамоадаги энг ёш мута-хассислардан бириман. Лекин жа-моамиз раиси К.Қурбонов мени ноҳақ ишдан бўшатди. Адолатнинг қарор топишида ёрдам беришин-гизни сўрайман.

Вилоят тармоқ кўмитаси раиси Х.Қўзимуродов вилоят касба уюш-малари Кенгашининг меҳнат ҳуқуқ ноziри Абдурафиқ Сафаров билан маслаҳатлашиб, бу ҳолатни жойи-

да ўрганишга келишиб олди. Ари-за мазмуни билан «Узун» улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти раиси З.Хусанов таништирилди.

Меҳнат ҳуқуқ ноziри А.Сафа-ров Меҳнат Кодексининг 9-модда-сига қандай роя этилганини на-зорат қилиб, аниқланган қонунбу-зарликни бартараф этиш мақсади-

га ўрганишга келишиб олди. Ари-за мазмуни билан «Узун» улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти раиси З.Хусанов таништирилди.

Меҳнат ҳуқуқ ноziри А.Сафа-ров Меҳнат Кодексининг 9-модда-сига қандай роя этилганини на-зорат қилиб, аниқланган қонунбу-зарликни бартараф этиш мақсади-

га ўрганишга келишиб олди. Ари-за мазмуни билан «Узун» улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти раиси З.Хусанов таништирилди.

Меҳнат ҳуқуқ ноziри А.Сафа-ров Меҳнат Кодексининг 9-модда-сига қандай роя этилганини на-зорат қилиб, аниқланган қонунбу-зарликни бартараф этиш мақсади-

га ўрганишга келишиб олди. Ари-за мазмуни билан «Узун» улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти раиси З.Хусанов таништирилди.

Касаба уюшма аралашуви билан

«Узун» улгуржи чакана матлубот-савдо ҳиссадорлик жамиятидан вилоят савдо ходимлари касба уюш-ма кўмитаси раиси номига ноқонуний ишдан бўшатилганлик ҳақида ариза тушди. Унда жумладан шун-дай дейилади:

— Мен жамоадаги энг ёш мута-хассислардан бириман. Лекин жа-моамиз раиси К.Қурбонов мени ноҳақ ишдан бўшатди. Адолатнинг қарор топишида ёрдам беришин-гизни сўрайман.

Вилоят тармоқ кўмитаси раиси Х.Қўзимуродов вилоят касба уюш-малари Кенгашининг меҳнат ҳуқуқ ноziри Абдурафиқ Сафаров билан маслаҳатлашиб, бу ҳолатни жойи-

да ўрганишга келишиб олди. Ари-за мазмуни билан «Узун» улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти раиси З.Хусанов таништирилди.

Меҳнат ҳуқуқ ноziри А.Сафа-ров Меҳнат Кодексининг 9-модда-сига қандай роя этилганини на-зорат қилиб, аниқланган қонунбу-зарликни бартараф этиш мақсади-

га ўрганишга келишиб олди. Ари-за мазмуни билан «Узун» улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти раиси З.Хусанов таништирилди.

Меҳнат ҳуқуқ ноziри А.Сафа-ров Меҳнат Кодексининг 9-модда-сига қандай роя этилганини на-зорат қилиб, аниқланган қонунбу-зарликни бартараф этиш мақсади-

га ўрганишга келишиб олди. Ари-за мазмуни билан «Узун» улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти раиси З.Хусанов таништирилди.

Меҳнат ҳуқуқ ноziри А.Сафа-ров Меҳнат Кодексининг 9-модда-сига қандай роя этилганини на-зорат қилиб, аниқланган қонунбу-зарликни бартараф этиш мақсади-

га ўрганишга келишиб олди. Ари-за мазмуни билан «Узун» улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти раиси З.Хусанов таништирилди.

Меҳнат ҳуқуқ ноziри А.Сафа-ров Меҳнат Кодексининг 9-модда-сига қандай роя этилганини на-зорат қилиб, аниқланган қонунбу-зарликни бартараф этиш мақсади-

га ўрганишга келишиб олди. Ари-за мазмуни билан «Узун» улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти раиси З.Хусанов таништирилди.

га ўрганишга келишиб олди. Ари-за мазмуни билан «Узун» улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти раиси З.Хусанов таништирилди.

Меҳнат ҳуқуқ ноziри А.Сафа-ров Меҳнат Кодексининг 9-модда-сига қандай роя этилганини на-зорат қилиб, аниқланган қонунбу-зарликни бартараф этиш мақсади-

га ўрганишга келишиб олди. Ари-за мазмуни билан «Узун» улгуржи чакана матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти раиси З.Хусанов таништирилди.

«Ишонч»га жавоб берадилар

Газетанинг шу йил 12 октябр сонидан чоп этилган «Угай даҳа» сарлавхали мақолада пойтахтимиздаги Кўкча даҳаси аҳоли зич яшайдиган ҳудуд эканлиги ва авто-транспорт катнови талаб даражасида эмаслиги, шунинг-дек, 91-автобус охи-ри бекатини Кўкча-га узайтириш, айрим трамвайлар катнови-ни қайта йўлга қўйиш юзасидан фикр-му-лоҳаза, таклифлар билдирилган эди.

Йўловчи ТАКЛИФИ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Газетанинг мазкур чикишига мутасадди ташкилотдан куйидаги жавоб олинди.

— Мақола «Тошша-ҳарйўловчиторанс» Дав-лат уюшмасига кўриб чиқилиб, йўловчилар эътирози тўғри, деб то-пилиди. 91-автобус йўналишидаги масофа-нинг узайтирилиши кат-нов оралик вақтининг чўзилиб кетишига са-баб бўлди. 7, 8, 16-трамвай йўналишлари бир-бирини такорла-ганлиги туфайли 8-трамвай йўлида керак-ли миқдорда транспорт воситалари қолдири-либ, 7 ва 16-трамвай йўналиши бекор қилин-ган эди.

Бугунги кунда 8-трамвай билан бирга, Уйгур кўчасидан кат-найдиган 34, 46, 58, 62-автобус йўналишлари Кўкча даҳасининг «Ис-ломобод», «Кўкча», «Дарвоза», «Шофайиз» маҳаллалари аҳолисига хизмат қўрсата бошла-ди. Йўловчиларга ма-лакали хизмат қўрса-тиш мақсадида юқори-да эслатиб ўтилган йўналишлардаги ҳара-катни назорат қилиш 18-автокорхона раҳба-ри ўринбосари С.Дало-лов ва 2-трамвай depo-си бошлиғи муовини Р.Набиев зиммасига юклатилди.

М.МИРҚОСИМОВ,
«Тошшаҳарйўловчиторанс» Давлат уюшмаси бошқаруви раис ўринбосари.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИНГ УЛКАН ИМКОНИЯТИ

«ОҚ ЧАШМА» МАҲСУЛОТИГА СИФАТ БЕЛГИСИ

Айрим кишиларни кўриб ҳайрон бўлман. Куч-қувватга тўлиб-тошган ёш йигитлар топганлари тирикчиликка етмаётганидан нолиб гапиришади. Ана шундай кишиларга Бекобод тумани маркази — Зафар кўрғонда яшовчи Собир Ҳакимовлар олиб бораётган ишларни мисол қилиб келтирмоқчимиз.

Тадбиркорлик шарофати ила «Оқ чашма» деб аталган сутни қайта ишлаш хусусий корхонаси ишга тушди. 2 тонна маҳсулотни қайта ишлашга ихтисослашган ушбу корхонада 10 нафар киши иш билан таъминланди. Улар сариёғ, қаймоқ, сузма, кефир ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.

Янгиликка ўч инсон шарофати билан 400 бош сивири бор фермер Баҳодир Бегматов, «Истиқдол», «Юлдуз», «Далварзин», «Бўрдоқчилик», «Улғубек» хўжаликлари чорвадорлари сутни доимий топшириш масканига эга бўлдилар.

Албатта маҳсулот тури, қайта ишлаш корхонаси кўпайган сари рақобат ҳам пай-

до бўлади. Шу боис маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берилляпти.

Фикримизни ўтган йили Оҳангарон шаҳрида бўлиб ўтган кўрик-

танловда Собир Ҳакимов бошчилигидаги «Оқ чашма» корхонаси маҳсулотларига сифат белгиси берилиб, Фахрий Ёрлик билан тақдирлангани ҳам исботлайди. Шунинг учун Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати, унга қарашли санаторий-профилакторий, шаҳар газлашти-

Одамларимизда, айниқса, ёшларимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қизиқиш ва рағбат уйғотишимиз керак. Улар ўз иши, ўз бизнесини ташкил этиши учун барча иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб беришимиз лозим.

Ислом КАРИМОВ.

риш идораси, нефт маҳсулотлари корхонаси доимий мижозга айланган.

Корхонада саховат ишлари ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Марка-

зий шифохона, боғчалар, «Металлург» футбол жамоасига баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатиб келинаётир. Шу билан бирга корхонада ишловчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ишчилар ойлик маоши ўз вақтида берилмоқда. Тушлик корхона ҳисобидан ташкил этилган.

— Шундай оилалар борки, — дейди Собир ака, — фарзандлари ҳақиқий иқтидор эгаси, лекин уларни қўллаб-қувватлаш керак. Шундай оилалар фарзандларига моддий мадад ажратамиз. Икконият бор экан, қўлдан келганча яхшилик қилиш керак.

Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.



«ҲАМКОРЛИК»НИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Моддий мададга эҳтиёж сезган тиббиёт ходимлари ҳам йўқ эмас. Аммо улар ишлаётган муассаса эса ҳар доим ёрдам қўлини чўзишга имкон топавермайди. Қасаба уюшма ташкилотининг иккониятлари ҳам чегарасиз эмас.

— Биз кўмита аъзолари, — дейди Хўжаобод туман марказий шифохонаси қасаба уюшма кўмитаси раиси Мавлудхон Холдурова, — кам таъминланган оилаларга, меҳнат фахрийлари ва ногиронларга моддий ёрдамни кучайтириш йўлларини қидириб, жамгарма ташкил этасак бўлмасмикан, деган фикрга бордик. Таклифимизни маъмурият маъқуллади. Уни умумий йигилиш муҳокамасига қўйдик. Қасаба уюшма аъзолари бир овоздан ташаббусни маъқулладилар. Шу тарзда марказий шифохонамизда «Ҳамкорлик» жамгармаси вужудга келди. Ходимлар унга ўз маошларининг атиги 2 фоизини ажратадилар. Тома-

саёхатларда, байрам дастурхонини тузашда жамоа хазинаси жуда қўл келмоқда. Чунончи, 35-40 йиллик тажрибага эга бўлган тиббиёт ходимлари — Абдуқодир Зиёев, Турсунбой Абдурашидовлар фахрийликка чиқадиغان бўлишди. Жамгарма уларни катта тантана билан кузатиш икконини берди.

Жамгарма ёрдамида тиббиёт ходимларининг маънавияти ва касб маҳоратини ошириб бериш, ўз вазифасига юксак масъулият билан ёндошишга эришиш мақсадида турли кўрик-танловлар ўтказилляпти. Зарарли шароитда меҳнат қилаётганларга эса моддий ёрдам миқдори кўпайтирилляпти. «Ҳамшира — 2001» кўрик-танловининг республика босқичида шу муассаса ҳамшираси М.Турдиева

унинг бош мақсади ва вазифасидир. «Ҳамкорлик» бу вазифани аъло даражада бажаряпти, дейиш мумкин.

Йилнинг ўтган ойлари давомида жамгарма моддий ёрдам сўраганлар ва муҳтожларга 500 минг сўмликка яқин пул сарфлади. Кам таъминланган хонадонлар фарзандларига бепул жамлама ўқув қурола-ри олиб берилди. Ногирон ва кўп болали оилалар мунтазам равишда ёрдам олиб турибдилар. Уйи газлашмаган хонадонларга газ ўтказдириб бериш, уларни ўтин-кўмир билан таъминлашда ҳам жамгарманинг хизмати катта бўлмоқда. Уюштирилаётган моддий ёрдам ва бошқа сарф-харажатлар кўпчилик розилиги билан амалга оширилаётгани учун ҳам, жамоа аъзолари уни чин дилдан қўллаб-қувватламоқдалар.

М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Бир ташаббус шарофати

БИРОНТА ФУҚАРО ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Истеъмол бозорини маҳсулот билан тўлдирish ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш энг долзарб вазифалардан биридир. Шу боисдан ҳам Қизилқум туманида тадбиркорликка кенг йўл берилляпти. Бу ерда 176 та фермер хўжалиги, 55 та хусусий корхона, 332 та деҳқон хўжалиги ва 43 та хусусий фирма фаолият кўрсатаётгани фикримиз исботидир. Шунинг ҳисобидан шу йилнинг 6 ойида 1040 та янги иш ўринлари очишга муваффақ бўлинди.

Шу ўринда «Орзухол» хусусий фирмаси раҳбари Менгзиё Юсупов номини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. У ўз маблағи

ҳисобидан ошхона, майиш хизмат уйи, автоулов тўхташ жойи очиб, 12 нафар кишини иш билан таъминлади. Мазкур фирма аъзолари ўз фаолият қўламлигини янада кенгайтириб, туманда тугатилиб кетган етти ҳазинанинг бири — паррандачилик соҳасини ривожига ҳам қўл урмоқчи. Шунингдек, яқинда унинг саъй-ҳаракати билан новвойхона қурилиши поёнига етказилди, яна 20 кишилик иш ўрни яратилди.

Кўпчиликнинг эътиборига тушган «Чунг» хусусий фирмасида яна пайта сартарошхона, суратхона, этикдўзлик, хотин-қизлар салони ишлаб ту-

рибди. Бу ерда ҳатто пластмасса идишлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. «Қизилгул», «Работон», «Қоракмоқ», «Алимул бобо», «Баҳодир» каби ўнлаб фермер хўжаликлари галладан мўл ҳосил етиштирганликлари учун «Тико» энгил автотомасини билан мукофотландилар.

Яна шу нарса эътиборга лойиқки, туманда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликини ривожлантиришнинг аниқ режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра йил охиригача бирорта фуқаро ишсиз қолмаслиги керак.

И. РУСТАМОВ.

«Оқ олтин» туманида олий ҳиммат тадбиркорлар анчагина. Уларнинг аксарияти пешона тери билан топган даромадларининг маълум қисмининг хайрли ишларга сарфлаша-япти. «Тўқмоқ» фермер хўжалигини ана шундай саховатпешалар сафига қўйиш мумкин.

ФЕРМЕР

мактабни таъмирлашга 1,5 миллион сўм ажратди

Ишбилармон деҳқонлар фарзандлари илм олаётган таълим масканларини таъмирлаб, қиш мавсумига тайёрлашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар тумандаги 9- ва 11-ўрта мактабни шинам, бежирим, айни чоғда барча талабларга жавоб берадиган қилиб таъмирлашга 1,5 миллион сўмлик маблағ ажратдилар.

Мактаб ва ҳомийлар ўртасидаги муносабат мустаҳкамланган, мавжуд 22 та мактаб ва 11 та болалар боғчасидаги бир қатор муаммоларни бартараф этиш иккони тугилди. Ҳомий ташкилотлар ва хўжаликлар таълим даргоҳларини мавсумга шайлаш учун 9 миллион 510 минг сўмлик мадад кўрсатдилар.

— Таълим ходимларини ижтимоий муҳофазалашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, — дейди туман таълими ва фан ходимлари қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Анвар Жавлонов. — Йил бошидан буён уларни соғломлаштиришга ижтимоий суғурта маблағларидан 1 миллион 710 минг сўм сарфланди. 200 нафар киши юртимизнинг қадимий шаҳар ва қадамжоларини зиёрат қилишди. 966 та кам таъминланган хонадон фарзандларига 288 минг сўмлик ўқув дарсликлари олиб берилди.

Н. ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ОВУЛИМИЗ ЧЕВАРЛАРИ

Конимех туманидаги «Конимех» ширкат хўжалиги маркази - Саржал овулида қоракўл териларни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушди. Уни бухорлик тадбиркор Ҳамиджон Бобоқулов ташкил этди. Белоруссиядан махсус тикув машиналари сотиб олинди; 15 нафар қизга тикувчилик сирлари ўргатилди.

Қоракўл теридан Жазира Дўспўлатова, Ҳафиза Байшаева, Руқия Қўжабоева каби чевар қизлар тиккан иссиқ кийим-бош харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Корхонада тайёрланган дастлабки маҳсулотлар хўжаликдаги ногирон, кам таъминланган оилаларга ҳада этилди.

«Ишонч» фоз этади

нилган. Бошлиқнинг «уддабуронлик» билан қабул қилган fairplay қонуний қарорларидан Н.Раҳматуллаева, О.Зулфиқоров, А.Абдужаббо-

сидаги қарорига кўра «Абай» ширкатлар бирлашмаси раиси Х.Бердибековга, «Янги дала» ширкатлар бирлашмаси раиси У.Жовбўриева ва бош х и с о б ч и Б.Эгамбердиевга, Р.Ҳайдаров номли ширкатлар бирлашмаси раиси У.Холбеков, бош ҳисобчи А.Қўчаровларга МЖТКнинг 175-моддаси 3-қисми билан жарима солинган. Лекин текшириш натижаси юзасидан далолатнома ва бошқа ҳужжатлар олинди маъмурий ишга қўшилмаган.

О.Раҳмонқулов, М.Сапарбоева, А.Ақилбеков, А.Абдуқаюмовларга нисбатан маъмурий ишлар юзасидан чиқарилган қарорлар нусхаси берилмасдан, уларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи чеклаб қўйилган.

Мирзачўл туман солиқ идораси томонидан тадбиркорлар ана шундай йўллар билан «қўллаб-қувватланмоқда»ки, бу кўпчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир. Уйлаймизки, бундай ноқонуний фаолиятга мутасаддилар томонидан чек қўйилиб, ножўя ишлар барҳам топади.

Абдурашид АБДУРАЙМОВ, Жиззах вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи. Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Саноатнинг

қишлоқдаги одими

ЧИҚИНДИДАН ПЛЁНКА

Каттақўрғон туманидаги Жумабой қишлоқда бўлганимизда фуқаролар йиғини раиси Олимжон Рўзиев қувониб деди:

— Ойжон қишлоқда чиқиндидан турли ҳажмдаги плёнка ва қувурлар тайёрлаш чеҳи очилди. Уни ака-ука Фахриддин ва Собиржон Йўлдошевлар ишга туширишган, — деди у.

Тўри қишлоққа йўл олдик. Цехда эни ярим метрдан икки метргача бўлган плёнкалар, плёнка халталар тайёр қилиб қўйилган экан.

Шу орада Собиржон Йўлдошев билан таниш олдик.

— Мана бу чиқит плёнкалар ҳамда халталарга хойланган хом ашёларни эритамиз, — дейди у, — сўнг суюлтирилган хом ашё иккинчи дастгоҳда хоҳлаган андозада (буртмага кўра) плёнка ёки халта бўлиб чиқади. Хом ашёни Россиядан шартнома асосида олиб келаямиз.

Ишлаб чиқариш қуввати бир кеча-кундузда 450-500 килограмми ташкил этаркан. Иккинчи хонада эса 15 дан 110 миллиметргача ҳажмли, узунлиги талабга кўра 0,5 метрдан 5-10 метргача бўлган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарилаётган эди.

Маҳсулотлар Пайшанба, Каттақўрғон шаҳарлари бозорларидаги махсус дўконларда сотилмоқда. Уларга республикамизнинг Навойи, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Қорақалпоғистон ва Тошкент вилоятларидан ҳам харидорлар келишаётган экан.

О. РАҲМАТОВ, Х. ШОДИЕВ.

БУ ҚОНУННИ БИЛМАСЛИКМИ ЁКИ МЕНСИМАСЛИК?

Мирзачўл тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари тадбиркорларга муносабат масаласида жиддий камчиликларга йўл қўйишмоқда

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар ҳақ-ҳуқуқини пухта билиб олишларига кўмаклашиш Давлат солиқ инспекцияси ходимлари зиммасига ҳам алоҳида вазифа юклайди. Шундай экан, бу борада Мирзачўл тумани Солиқ идораси қандай ишларни амалга оширяпти?

Бошلامасигаёқ таъкидлашимиз, улар фаолиятида амалдаги Қонуларга риоя қилмаслик ҳоллари учрамоқда.

Аввало, идорада тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам бериш учун алоҳида хона ажратилмаган. Уларни қабул қилиш рўйхати ҳам мавжуд эмас. Ходимлардан 8 нафарига хўжалик юритувчи субъектларда текширув ўтказиш ҳуқуқи берилган бўлса-да, улар белгиланган намунадаги махсус гувоҳнома-лар билан таъминланмаган.

Ишбилармонларни солиқ тўловчи сифатида ҳисобга олишда ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ҳоллари ҳам кузатишмоқда. Хусусан, тадбиркорлар С.Таскараев, Н.Наҳиббекова, А.Сергинова, Х.Исмоилова, П.Назарбоеваларни рўйхатга олиш ва идентификация рақами беришда улардан товар айлиниш миқдори тўғрисида декларация каби ортиқча ҳужжатлар олинган. Бу эса Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги 55 ҳамда 1997 йил 11 мартдаги 130-сонли қарорларига зиддир. Шунингдек, янгит-

дан ташкил этилаётган фермер хўжаликларини рўйхатга олишда ҳам юқоридаги қонунбузарлик ҳолларини учратиш мумкин. Бу — ўз навбатида фермерларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир. Масалан, «Жонбой-ота» ва «Ситора» фермер хўжаликлари рўйхатга олиш ва идентификация рақами беришда уларнинг Нисоми, ер участкасини узоқ муддатли ижарага беришининг шартномаси, «Янги дала» ширкат бирлашмаси раисидан 2000 йил 22 ноябрда берилган фермер хўжалигига ҳақиқатда ҳам 74 гектар ер майдони берилгани ҳақидаги 78-сонли сўров хати ва қарши эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ҳамда умумий йиғилиш баённомаси олинган. Энди фермернинг бу ҳужжатларни бирма-бир йиғиб, қанча асаббузарлик қилгани-ю, қиммат-

Солиқ кодексига белгиланган имтиёзларни қўлламаслик ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 26 декабрдаги, вилоят ҳокимининг шу йил 25 январдаги қарорларига белгиланган солиқ меъёрларини нотўғри қўллаш ҳоллари ҳам учрамоқда. «Бултай-ота» фермер хўжалиги ер солиғи тўлашда жорий йилнинг 14 сентябригача имтиёзга эга бўлса-да, ундан шу йил 27 март ва 14 августда жами 35.456 сўм ер солиғини ноқонуний равишда ундиришган.

Бу ягона ҳолат эмас. Чунончи, «Хусниддин» фермер хўжалигидан 18.385 сўм, «Женис» фермер хўжалигидан 46.750 сўм, «Истиқбол» фермер хўжалигидан 30.000 сўм, «Арман» фермер хўжалигидан 2100 сўм, «Пардабой-ота» фермер хўжалигидан 2400 сўм миқдори-

даги ер солиғи ноқонуний ундирилган.

Умуман олганда, ўтган икки йил давомида тумандаги 138 та фермер хўжалигида имтиёз бўлса-да, негадир улардан билса ҳазил, бил-

мас... қабилида иш юритиб ер солиғи ундириб келинган. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрдаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 165-моддаси, Жиноят Кодексидаги эса 187-модда — «Харидорни ёки бюурмачини алдаш» чиқариб ташланганлиги инобатга олинмасдан туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи М.Муродов қарори билан «Бота» хусусий фирмасига қарашли АЕКШ оператори Ш.Эргашевга 7350 сўм, «Богдон» хусусий фирмасига қарашли АЕКШ оператори Х.Худойбердиевга 7350 сўм жарима қўлла-

рилган. Бошлиқнинг «уддабуронлик» билан қабул қилган fairplay қонуний қарорларидан Н.Раҳматуллаева, О.Зулфиқоров, А.Абдужаббо-

сидаги қарорига кўра «Абай» ширкатлар бирлашмаси раиси Х.Бердибековга, «Янги дала» ширкатлар бирлашмаси раиси У.Жовбўриева ва бош х и с о б ч и Б.Эгамбердиевга, Р.Ҳайдаров номли ширкатлар бирлашмаси раиси У.Холбеков, бош ҳисобчи А.Қўчаровларга МЖТКнинг 175-моддаси 3-қисми билан жарима солинган. Лекин текшириш натижаси юзасидан далолатнома ва бошқа ҳужжатлар олинди маъмурий ишга қўшилмаган.

Мирзачўл туман солиқ идораси томонидан тадбиркорлар ана шундай йўллар билан «қўллаб-қувватланмоқда»ки, бу кўпчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир. Уйлаймизки, бундай ноқонуний фаолиятга мутасаддилар томонидан чек қўйилиб, ножўя ишлар барҳам топади.

Абдурашид АБДУРАЙМОВ, Жиззах вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи. Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз!

БИР ТҮРТЛИК ТАРИХИ

Шоир Чустий мазмунан теран, шаклан гўзал ғазаллари билан ўзбек адабиётида муносиб ўрин эгаллайди. У ўз ғазалларида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонийлик, меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат каби эзгу туйғуларни улуғлаган нозиктаб шоир эди. Шоирнинг кўплаб ғазаллари атоқли созандалар томонидан куйга солиниб, моҳир хонандалар ижросида ҳалқимиз қалбидан чуқур ўрин олган. Бу ғазаллар ҳозирги кунларда ҳам марок билан куйланмоқда.

Мен Чустий домла билан бир марта бўлса ҳам учрашш ва унинг фойдали маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлганман.

1945 йилнинг июн ойи эди. Уруш яқиндагина тугаган, юртда иқтисодий қийинчиликлар ҳукмрон эди. Уша пайтда мен 17 ёшда бўлиб, ҳам ўқирдим, ҳам жамоа ҳўжалигида ишлардим. Бир куни мени «шеърларингни олиб, жамоа ҳўжалиги идорасига бораркансан» деб чақириб кетишди. Борсам, идорада жамоа ҳўжалигининг раиси Мақсудали ака Маъмуров билан ўрта бўйли, ёш жиҳатидан раис билан тенгдош бир одам ўтирибди. Қарама-қарши томонда эса ҳўжалик котиби Тўлаган Бобоев нимадир ёзмақта. Меҳмоннинг чап қўли майиб бўлган шекилли, билагидан букилган эди. Уларнинг ҳузурига киргач, одоб билан салом бердим. Раис саломимга алик олди-да, ўтиришга ишора қилди. Сўнгра меҳмонни кўрсатиб «Бу амакин шоир Чустий бўлади» деди, «Сен ҳам шеърлар ёзиб турасан. Шеърларингдан ўқиб бер» дея менга юзланди. Мен ҳаяжон босиб ўзим билан олиб келган шеърларимдан учтасини ўқиб бердим. Чустий уларни диққат билан тинглади-да, шеър ёзишга қўлим анчагина келишиб қолганини айтиб, олийгоҳга кириб ўқишим, би-

лимимни оширишим лозимлигини ўқирди. «Агар бирон-бир ёрдам керак бўлса, менга айтгин. Қўлимдан келганича ёрдам бераман» деб, бир парча қоғозга манзилгоҳини ҳам ёзиб берди. Шундан сўнгра раис Чустийга юзланди-да, «Сиз ҳам бирорта шеърингиздан ўқиб беринг» деди. Чустий «хўп» деб, куйидаги тўртликни ёддан айтиб берди (чамамда бу тўртлик шу ёрнинг ўзиде тўқилган эди):

**Кўктерақда қолди
коп,
Оғзи бўғилмай
тўлди қоп.
Овора бўлма
Чустий,
Энди жойини
толди қоп.**
(Қишлоғимизнинг номи «Кўктерақ» эди. Шеърда шунга ишора қилинган).
Шеър айтиб бўлингач, раиснинг чеҳрасига разм солдим. У негадир кип-қизариб кетган, бир нарсадан хижолат чекаётган одамга ўхшарди. Мен бу тўртликка қандай сирсинаот яширинганини тушунолмай, рухсат сўраб чиқиб кетдим.
Орадан бир неча кун ўтгач, ҳўжалик котиби Тўлаган акага учрашдим-да, Чустий юқоридаги тўртликни нима мақсадда айтганлигини, уни эшитган раис нега хижолатда қолганининг сабабини сўрадим. Тўлаган ака хиёл кулимсираб, шундай деди:
— Чустий бундан уч ой олдин ҳам келган эди. У раисимиз билан

хамқишлоқ экан. Шу туйфайли бўлса керак, Чустий ўзи билан олиб келган қопни унинг олдига қўйган ва куйидаги тўртликни айтган:
**Раис бува, баъзида
Лозим экан хайрия.
Бироз унми, гуручми,
Мош ҳам бўлса майлига.**

Раис қопни олиб қолиб, уч-тўрт кундан сўнгра унинг уйига элтиб

Ўзбек миллий театри санъатининг етук намоёндалари Абдор Ҳидоят ва Сора Эшонтураеваларнинг ижод ва ҳаёт йўли кўпчиликка ибратлидир. Оила ва севги тимсолига айланган санъаткорларимизга

САҲНАДА «МАЛИКАИ ТУРАНДОТ»


эҳтиром сифатида Тошкентдаги рус томошабинлар театри янги спектаклни саҳналаштирди. Ушбу «Маликаи Турандот» постановкаси мамлакатимиздаги биринчи театр студиясининг дип-

лом спектакли сифатида саҳна юзини кўрган постановкадаги бош ролларни севимли актёрларимиз Абдор Ҳидоят ва Сора Эшонтураевалар маҳорат билан ижро этишган эди.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоизки, «Маликаи Турандот» комедияси бундан икки йил аввал Исроил мамлакатининг Бейт-Цви олий мактаби театрида кўрсатилганди.
А.АЛИЕВ

Шаҳрисабз туманида умргузаронлик қилаётган табарруқ инсон — Шохимардон бобо Остоновга ҳамма хавас қилади. Пири бадавлат отахон 120 ёшини қаршилади. У фарзандлари, 190 нафарга яқин неварани, эвара, чеваралари даврасида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

— Хамиша яхши нијатни дилга жо қилиб, сидқидилдан меҳнат қилсангиз, фақат эзгулик ҳақида ўйласангиз узок умр кўрасиз. — дея ўқиради бобо.
Шавкат СУЛТОН олган сурат.



Бухорода «Замонавий дунё - болалар нигоҳида» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Унда шахар ва туман танловларида ғолиб бўлган 100 га яқин

қўймайлик тагин, — дейишибди.
Мадмуса ўйланиб қолибди. Шундай қилиш керакки, Зайнаб шаклдоқ жиноят қилаётганлигини ўзи ҳам бўйнига олсин.
Мадмуса каттагина даканг хўрознинг патини

беришга ваъда қилган. Лекин иш билан бўлиб фаромуш қилган. Чустий юқоридаги тўртликда шунга ишора қилган.

Бундан эллик беш йил олдин айтилган бу тўртлик ҳали-ҳануз ҳамқишлоқларимиз оғзида юрибди. Маълум уруш давридаги қийинчиликлар, очарчиликлар ўша йиллар шохиди бўлган биз каби кексаларнинг ҳамон ёдида. Жамоа ҳўжалигимиз уруш йилларида ҳам ўзига тўқ, иқтисодий жиҳатдан бақувват эди. Шу туйфайли, жамоа ҳўжалиги аъзолари кўп ҳам қийинчилик кўрмаган. Уларнинг, халқ ибораси билан айтганда, «қора нонга қорни тўқ» эди.

Хулоса шуки, юртимиз ҳамиша тинч, турмушимиз фаровон бўлаверсин. Озод ва обод ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни кўз қорачиғидаги авайлаб-асрайлик.
Соип МУҲАМЕДОВ, меҳнат фахрийси.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

Америкада ҳар йили 300 гўдак автомобилда туғилган экан. Болаларнинг гувоҳномасидаги туғилган жойи деган сўровга автомобилнинг номери ёзилар экан.

Беннигхеймлиқ Барбара Шмотцернинг қабридан топилган ёзув унинг 38 ўғил ва 15 қизнинг онаси эканлигидан дарак берди.

Дунёда энг кўп болали ота сифатида Введенский қишлоғида яшаган Яков Кариялов та олган экан. У 1755 йили биринчи аёлдан 57 нафар фарзанди бўлган: аёл тўрт марта тўрттадан, етти марта учтадан, тўққиз марта эгизак ҳамда икки марта биттадан фарзанд кўрган. Иккинчи аёли 15 нафар фарзанд туғиб берган. Ҳаммаси бўлиб, Яков амаки 72 нафар фарзандли бўлган экан.

Сан-Диеголик Бетти Снайт бошқа одамнинг юрагини қўйгандан кейин фарзанд кўрган. Гўдакнинг соғлиги яхши. Бирок, чақалоқ дунёга келгунча дўхтирлар анча хавотирланган. Гап шундаки, бундан тўрт йил олдин Беттига эркак кишининг юраги қўйилган экан. Шунинг учун мутахассисларни эр кишининг юраги ҳомила бўлиш, туғиш пайтини қандай ўтказар экан, деган сўроқ безовта қилган.

АЁЛЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

Куни кеча Равшан Усмонхўжаев мурабийлигидаги мамлакатимиз аёллар терма жамоаси ўқув-машулот йиғинларини ўтказиш учун Таиландга жўнаб кетди. Бу ердаги ўн кунлик йиғинлардан сўнгра вакилларимиз Тайпейга «Сафар уюштириб, бир неча ўртоқлик учрашувларида иштирок этадилар. Маълумки, Тайпейда келгуси ойнинг бошларида китъа чемпионати ўтказилади. Мазкур сафарлардан кўзда тутилган асосий мақсад эса жамоамизнинг ана шу нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этишини таъминлашдан иборат.

Маълум бўлишича, аёллар терма жамоамиз «А» гуруҳида Филиппин, Хитой ва Гонконг миллий терма жамоалари билан баҳс олаборадилар. Гуруҳдаги биринчи учрашув 5 декабр куни Филиппинликлар билан бўлиб ўтса, қизларимиз кейинги ўйинларда Хитой (7 декабр) ҳамда Гонконг (9 декабр)

Футбол янгиликлари

терма жамоаларига қарши майдонга тушадилар. Китъа биринчилигида футболчи қизларимизга осон бўлмаслиги аниқ. Чунки хитойликлар жаҳоннинг энг кучли жамоасидир.

МАШҲУРНИНГ «КАМТАРИН» ТҮЙИ

Иқтидорли футболчи, Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби етакчиси Дэвид Бекхэм ва машҳур «Спаис гёлс» гуруҳи аъзоси Виктория Адамсларнинг оила курганликлари тўғрисида эшитгандирсиз. Айтганча, Бобби Чарльтон, Алекс Фергюссон ва Элтон Жон иштирок этган никоҳ маросимини ўтказиш учун қанча маблағ харажат қилинганидан хабарингиз борми? Маълум бўлишича, Виктория Адамс кийган келинлик لباسининг ўзи 86 000 АҚШ доларига буюртма қилинган. Тантаналар ўтказилган XIV асрда қурилган Люттрелстаун қасри ижарасига 800 000 доллар сарфланган. Келинга совға қилинган олтин тож эса «бор-йўғи» 140 000 долларга туш-

ТОШКЕНТЛИКЛАР БИРИНЧИ ЛИГАДА

Тошкент вилоятининг «Қибрай» ўйингоҳида биринчи лигага ўтиш турнирининг иккинчи босқич мусобақалари якунига етди. Учрашувларни кўтаринчилик билан ўтказган Келеснинг «Солиқчи» ва пойтахтнинг «Давр-Локомотив» жамоалари келгуси мавсумдан бошлаб биринчи лига баҳсларида қатнашадиган бўлди. Мусобақалар аввалида асосий даъвогар ҳисобланган Қўқоннинг «Қўқон Ёр-мой» жамоаси имкониётлардан етарлича фойдалана олмаган бўлса, Сирдарё вилоятининг «Сирдарё» жамоаси эса сўнги тур беллашувларида иштирок этишдан бош тортди.

- Тахтақўпир туманида жорий йилнинг ўтган ойларида 26та жиноят содир бўлган, шундан ярмиси ўғирлик ҳисобланади, - деди «Туркистон-пресс» муҳбирига туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция полковниги Утеган Ниёзқулов. - Жиноятларнинг аксарияти фуқароларнинг молларини ўғирлаш ҳисобланади. Бунга фуқаролар молларини яловларда қаровсиз қолдирилари сабаб бўлмоқда.

ЎЗИНГА ЭҲТИЁТ БҮЛ...

Масалан, Муҳаммадин Қодиров бошчилигидаги 9 нафар жиноий гуруҳ мол ўғирлиги билан шуғулланиб келган. Қорақалпоғистон ички ишлар вазирилик жинойт қидирув бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида жиноий гуруҳ аъзолари ушланди. Улар тумандаги «Мулк» ширкат ҳўжалиги ҳудудида бешта от, «Тахтақўпир» ширкат ҳўжалиги ҳудудидан учта қўй ўғирлаган. Тергов давомида мазкур жиноий гуруҳ аъзоларининг Қораўзақ, Нукус, Кейғали туманлари ҳудудида ҳам мол ўғирлиги билан шуғулланиб келганлиги аниқланди.

ДУНЁ - БОЛА НИГОҲИДА

ёш мусаввир иштирок этди. Кўргазмада тасвирий санъатнинг олти йўналиши бўйича яратилган уч юздан зиёд асар намойиш қилинди.

Графика-гравюра, кулолчилик, рангтаъсир, ҳайкалтарошлик йўналишларида ижод қилиб, санъатнинг катта йўналидаги дастлабки қадамларини қўяётган ёш мусаввирларнинг энг иқтидорлилари Тошкентда ўтказиладиган кўргазмада ўз асарлари билан иштирок этади.

Хар жойининг ўз Алдарқўсаси. Насриддин Афандиси бор. Шу сингари Чинобод ва Ҳакқул-Обод шаҳарчалари оралиғидан ўтган Қораларё бўйларидаги Хўжаобод қишлоғида бўлганимда «Мадмуса шайтон» ҳақида турли ривоятлар эшитганман.

ҚАНОТЛИ АЗРОИЛ

Ўзига тўқ бир дехқоннинг хотини ўлиб, Зайнаб шаклдоққа ўйланибди. Аммо кўп ўтмасдан ўзи ҳам қазо қилибди. Каттагина меросга эга бўлиш илнжида Зайнабнинг нијати бўзилиб, дехқоннинг яққаю яғона ўғлини ҳам касалга чалинтрибди. Лекин икки гапнинг бирида ҳаммага мақтаниб:

— Етимчани тўққан онаси ҳам менчалик боқолмасди. Ўзим ёмасдан едираман, қиймасдан қийдираман, — дея писанда қилверармиш, — Азроилга жон керак бўлса, меникини олсин. Болагимамга умр берсин. Худодан бирдан-бир тилагим шу!..
Боланинг аҳволи эса кундан-кун оғирлашиб бораркан. Оқсоқоллар ўзаро маслаҳатлашиб, Мадмусанга мурожаат қилиб:
— Илоҳини топмасанг бўлмайди. Илонинг ёғини ялаган ялмоғизга ишониб, болани бой бериб

ЎЧ

Алиқўсаннинг ҳаддан зиёд ўзига бино қўйганлиги, димоғдорлиги «Мадмуса шайтон»нинг ҳақлини чиқараркан. Буни билган одамлар қўсаннинг олдида Мадмусани роса мақташибди:
— Мана-ман деган одамни рақсга тушириб, ярим йўлда қолдириб кетади.
Қўса пинангчи бузмасдан қўл силтабди.
— Намунча мақтадинлар ўша «шайтон»ларингни. Сиз сингари содаларни алдайди

«МАДМУСА ШАЙТОН» ҚАНГОМАСИ

— Азроил ҳазратларининг қадамларига ҳасанот, — дебди икки бўкилиб. — Андак йўлдан чалғидингиз чоғи. Бемор нариги хонада. Жонини оламан, десангиз «янг» демайдиган қилиб чўзилтриб қўйганман.
Буни панароқда кузатиб турган Мадмуса ўзини тутолмасдан қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборибди.

холос. Менга тўғри келсин, ўйнатиб қўяман уни!
Бу гапни оқизмай-тоғизмай «Мадмуса шайтон»га ўтказибди. У қулиб қўй қилибди.
Эртасига кўчага чиқса, от устиде қаққайганича Алиқўса бозор томонга бораётган эмиш. Уни қўрибоқ юргунича бориб ўз ҳовлисининг кўча томондаги деворига суянганича дод сола бошлабди.
— Шунга ҳам ота гўри қозихонами, — дебди унга раҳими келиб Алиқўса. — Югур бизникига. Иккита хари олиб келгн-да деворнинг икки ёғидан тираб қўйсанг, олам гулистон. Қайтганинча ўзим деворингнни суаб тураман.
— Раҳмат, Алижон ака, — дебди Мадмуса хурсанд бўлиб. — Хўпам ҳождатборор одамсизда. Боядан бери шунга ақлим етмаганини қаранг, — деганича қўсаннинг отига миниб кетибди. Анча ерга борганида орқасига қараб яна тайинлабди. — Мен қайтганимча елкангизни ола кўрманг девордан.

Алиқўса юғриб келиб ундан ҳол сўрабди:
— Ҳа, оғайни, нима гап, намунча жонинг халқумингга кел-маса, тинчликми?
— Э, нимасини айтасиз, Алиқўсажон ака, камбағалнинг ови юрсаям, дови юрмайди экан. Онам боқиб дарёнинг нариги томонидан келин топгандилар. Бугун оқшом тўй. Учкашгандай, кечаги ёғиридан нам тортиб қолган эканми, қарасам, девор секин қий-шайиб, қулайдиган. Чопиб келиб елканми тутиб қолмаганимда дув тўқиларди. Кейин қачон янгитдан девор уриб улгураман... Ўзингиз биласиз, девори йиқилган вайрона ҳовлига қайси аҳмоқ қизини берарди...
— Шунга ҳам ота гўри қозихонами, — дебди унга раҳими келиб Алиқўса. — Югур бизникига. Иккита хари олиб келгн-да деворнинг икки ёғидан тираб қўйсанг, олам гулистон. Қайтганинча ўзим деворингнни суаб тураман.
— Раҳмат, Алижон ака, — дебди Мадмуса хурсанд бўлиб. — Хўпам ҳождатборор одамсизда. Боядан бери шунга ақлим етмаганини қаранг, — деганича қўсаннинг отига миниб кетибди. Анча ерга борганида орқасига қараб яна тайинлабди. — Мен қайтганимча елкангизни ола кўрманг девордан.

Қимир этсангиз устингизга кулаб тушади-я!
Орадан ийгирма дақиқа ўтибди, ўттиз дақиқа, бир соат — Мадмусадан дарак йўқ эмиш.

Ўтган-кетганлар саратон офтобида терга пишиб, деворга қадалганича турган Алиқўсага сўз қотишибди.
— Ҳа, Аливи, жазирамада девор кучоқлаб қолибсиз, нима гап ўзи?
— «Шайтон»нинг девори кулаб тушмасин, деб у келгунча сабов учун турибман. Ахир, бу кеча тўй қилиб уйланаётган эмиш.

Гап нимада эканлигини тушунган одамлар қулишибди.
— Девор Мадмусанинг буваси замонидан бери туради. Топдөк мустаҳкам. Учанмунчага қулайдиганмас. Қолаверса, унинг уйланганига ўн йилдан ошган, ҳозир учта боласи бор, — дебди улардан бири. — Ҳали-бери келишга умид қилманг. Ҳозир дарёнинг нариги тарафидеги чойхонада улфатлари билан шохўрлик қилпяти.
Галнинг нимадалигини тушунган Алиқўса:
— Вой «шайтон»-ей, менга ҳам шайтонлигини қилибди-да, — дея пешонасига бир урибди.
Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабга уюшма Марказий Қўмитаси Сурхондарё вилояти тармоқ касабга уюшма қўмитасининг собиқ раиси
Евдокья ТАРАСОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сирдарё вилоят касабга уюшмалари Кенгаши жамоаси вилоят фуқаролик суди судьяси Алижон Жўраева акиси
Раҳим ЖўраевНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.35

Мақиллима: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва санъатланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.